

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Корхона ишлаб чиқариш зарурияти учун «Шиша толали мато»  
(Стекловолокно) сотиб олиш буйича

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: «АВТОКОМПОНЕНТ» МЧЖ

№	ФИО	Лавозими	Имзо
1	Абдурахмаонов С.Б	Бош Директор 1-ўринбосари	
2	Гафуров Ш.	Бош Директорни ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари	
3	Рахмонов А.Ж.	Хукукшунос	
4	Аминов О.	Молия менежери	
5	Абдурасулов С.У.	Технология бўлими бошлиғи	

## **МУНДАРИЖА**

- I. Танлов иштирокчиси учун йўриқнома.**
- II. Танловнинг техник қисми.**
- III. Танловнинг нархига оид қисми.**
- IV. Танлов иштирокчиларини баҳолаш қисми.**
- V. Шартнома лойиҳаси.**

## I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1	<b>Умумий қоидалар.</b>	1.1	Мазкур танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
		1.2	Танлов предмети: Корхона ишлаб чиқариш жараени (енгил автомобиллар овоз сундиргичлари) учун “Шиша толали мато – стекловолокно” сотиб олиш.
		1.3	Танловнинг максимал қиймати 765 000 000 сўмни ҚҚС билан . Танлов таклифида кўрсатилган нархлар охириги қийматдан юқори бўлмаслиги керак.
		1.4	Хизмат кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.
		1.5	Танлов комиссияси йиғилиши шакли – электрон тарзда йиғилиш баенлари шахсий электрон имзолар билан шаклланади ва тасдиқланади. Шундан сунг автоматик тарзда машлис баёни шаклланади ва электрон тарзда голиб аниқланади
2	<b>Танлов ташкилотчиси</b>	2.1	"Автокомпонент" МЧЖ Манзил 170200, Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Асака т. Вокзал кучаси 1-уй Маҳаллий етказиб берувчилар учун банк реквизитлари: 1) Банк номи: АТБ “Хамкорбанк” МФО: 00070 Ҳисоб: 20210000700571822001
		2.2	Ташкилотчининг мулоқот қилувчи шахси: Мамиров Б. тел.:(998 93) 630-20-77
		2.3	Танлов Буюртмачи ташкил қилган камида беш кишидан иборат таркибдаги танлов комиссияси томонидан ўтказилади ва электрон тарзда шахсий электрон имзолари билан очилади.
3	<b>Танлов иштирокчилари</b>	3.1	Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар исталган юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин (4.2 бандда келтирилган шахслар бундан мустасно).

4	<b>Танловни ўтказиш шарти</b>	4.1 Танловда иштирок этиш учун, танлов иштирокчиси қуйидагиларни амалга ошириши лозим: а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (кўчириш); б) танлов ҳужжатлар шартларига мувофиқ танлов ҳужжатларини топшириш.
	4.2	Қуйидаги иштирокчиларнинг танловда қатнашишига йўл қўйилмайди: қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик босқичини бошидан кечираётган;
		Ноҳалол ижрочиларнинг ягона рўйхатига киритилган;
		солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги бор;
		имтиёзли солиқ режимини берувчи ва/ёки молиявий амалиётларни ўтказишда маълумотларни ошкор қилиш ва беришни кўзда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор зоналар) рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобрақамларига эга бўлган. Коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик бўйича Буюртмачи номига ариза тақдим қилиниши ШАРТ.(5-шакл)
	4.3	Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш таомилида иштирок этишдан четлаштиради: Иштирокчи тўғридан тўғри ёки воситали тарзда буюртмачининг, ёки бошқа давлат органининг ҳозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирон-бир танлов таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда; иштирокчи адолатсиз танлов устунлигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.
5	<b>Танлов тили.</b>	5.1 Танлов таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар давлат тилида (истисно тарикасида ёки бошқа қулай тилларда) бўлиши мумкин.
6	<b>Танлов таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби</b>	6.1 Танлов иштирокчилари, мазкур танлов ҳужжатларининг 1-ИЛОВАСИДА кўрсатилган ҳужжатларни ўз ичига олган таклифларини эълонда белгиланган тартибда электрон шаклда махсус платформага жойлаштириши керак.
	6.2	Танлов иштирокчиларига таклифларни , номер қўйилган, муҳрланган ва иштирокчи ваколатли шахс имзоси билан тасдиқланган ёки таклифнинг ҳар бир бети имзоланган ҳолда жойлаштириш тавсия қилинади.

		6.3	Иштирокчининг танлов таклифи танлов комиссияси томонидан электрон имзоси билан тасдиқланади ёки баҳо системасида белгиланган тартибда бал куйилади.
		6.4	Танлов иштирокчиси:
			тақдим қилинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун маъсул ҳисобланади;
			тақдим қилинган таклифни бундай таклифларни бериш муддати тугагунча қайтариб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.
		6.5	Танлов таклифи танлов шартларига мос бўлган ва куйидаги маълумотларни қамраб олувчи нархга оид қисмдан ташкил топади: хизматнинг номланиши, хизмат кўрсатиш қиймати, якуний сумма, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиши муддати ва ҳ.з.
		6.6	Танлов таклифи мухрланган ва имзоланган ҳолда электрон тарзда тақдим қилинади
		6.7	Танлов ҳужжатида куйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: танлов предметининг номланиши; иштирокчининг номланиши; буюртмачининг номланиши ва унинг манзили;
		6.8	Нархга оид таклифлар мавжудлигига талаблар: Нархга оид таклиф ва нархлар жадвали ушбу йўриқномага илова қилинадиган 6-ШАКЛГА мувофиқ ҳолда.
		6.9	Ишчи орган ушбу йўриқнома талабларига мос равишда расмийлаштирилган, танлов таклифлари ни уз шахсий электрон имзоси билан тасдиқлайди ва овоз беради.
		6.10	Танлов таклифлари электрон тарзда МАП да куйидаги № _____ ЛОТ учун деб жунатилади.
		6.11	Иштирокчилар танлов таклифлари амал қилиши муддати тақдим қилинган танлов таклифлари тақдим қилиниши тугалланган кундан 30 кундан ошмаслиги керак.
<b>7</b>	<b>Танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш</b>	7.1	Зарур ҳолларда буюртмачи танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор таклифларни тақдим қилиш муддати тугашидан камида уч

		<p>кун аввал қабул қилиниши мумкин.</p> <p>Танлов таклифларига ўзгартишлар киритиш жараёнида Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки уларнинг тавсифлари ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.</p> <p>Таклифларни бериш муддати тугаган пайтда танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилганда танлов танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан бошлаб, камида ўн кунга узайтирилади.</p> <p>Айни пайтда эълонда кўрсатилган маълумот ўзгартирилган тақдирда, танловни ўтказиш ҳақидаги эълонга ҳам ўзгартишлар киритилади.</p>	
<b>8</b>	<b>Танлов таклифлари очиш таомили ва уларни баҳолаш мезонлари</b>	8.1	Эълонда танловни ўтказиш санаси сифатида кўрсатилган вақтда танлов таклифарини баҳолаш бўйича танлов комиссияси танлов иштирокчилари берган таклифлар бўйича уз овозларини шахсий электрон имзолари орқали очади, танишади ва овоз беради.
		8.2	Танлов иштирокчилари таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати танлов таклифлари берилиши яқунланган санадан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.
		8.3	Таклифлар бўйича электрон маълумотлар очилганда унда барча ҳужжатларнинг борлиги ва улар тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади. Тегишли ҳужжатлар булмаган тақдирда танлов комиссияси уни кўриб чиқиш ва баҳолашга қўймасликка ҳақли.
		8.4	Танлов комиссияси рад қилинмаган таклифлар баҳолаб, танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида танлов ғолибини аниқлайди.
		8.5	Танлов иштирокчиси тақдим қилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг сохталиги аниқланса, танлов комиссияси бундай иштирокчини танловда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли.
		8.6	Танлов таклифларини баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш танлов ҳужжатларида баён қилинган мезонлар асосида амалга оширилади (2-ИЛОВА).
		8.7	Таклиф Қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган, деб ҳисобланади.
		8.8	Танлов комиссияси таклифни берган танлов иштирокчиси Қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, ёки танлов иштирокчисининг таклифи танлов ҳужжатлари талабларига мос бўлмаса, таклифни рад этади.
		8.9	Танлов таклифларини баҳолаш жараёнида танлов комиссияси танлов иштирокчиларидан уларнинг танлов таклифлари бўйича тушунтиришлар сўраб олишга ҳақли.

		8.10	Агар танлов иштирокчилари танлов таклифларини турли валюталарда кўрсатса, таклифлар суммалари уларни баҳолаш пайтида конвертлар очилган сана бўйича танлов таклифининг нархга оид қисми билан бирга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича ягона валютада ҳисоб-китоб қилинади.
		8.11	Танлов ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади.
		8.12	Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси, бу ҳақда танлов иштирокчисини хабардор қилгани ҳолда, танлов таклифини рад этишга ёки уларни келгусида кўриб чиқиш бўйича бошқа шартларни белгилашга ҳақли.
		8.13	Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомасида қайд қилинади.
<b>9</b>	<b>Томонлар маъсулияти ва махфийликка риоя қилиш</b>	9.1	Комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек танлов таклифларини ўрганиш учун ташкил қилинган ишчи гуруҳ аъзолари маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.
<b>10</b>	<b>Бошқа шартлар</b>		Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов ҳақида тушунтиришлар олиш учун ишчи органга мурожаат қилишга ҳақли.
			Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар балансида мавжуд автотранспортлар рўyxатини тақдим қилган ҳолда иштирок этишлари ёки бўлмаган тақдирда ижарага олиб ижара шартномаси нусхаларини тақдим қилган ҳолда қатнашишлари мумкин.
			Қуйидаги ҳолларда танлов комиссияси танловни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиши мумкин: танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган тақдирда; таклифларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича танлов комиссияси барча таклифларни танлов ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги туфайли рад этган тақдирда.
			Ғолиб чиққан таклиф акцептигача буюртмачи исталган пайтда танловни бекор қилиши мумкин. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи махсус ахборот порталида бундай қарорнинг асосли сабабларини чоп этади.
<b>11</b>	<b>Шартома тузилиши</b>		Танлов натижаларга кўра шартнома у билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан тақдим қилнаётган танлов ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган шартларда тузилади.

		<p>Танлов ғолиби танлов шартлари буйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, шартнома тузиш ҳуқуқи захирадаги ижрочига ўтади. Бунда захирадаги ижрочи танлов ғолиби таклиф қилган нархларда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.</p>
--	--	--

**II. ТАНЛОВНИНГ ТЕХНИК ҚИСМИ**  
**Илова қилинди**

**III. НАРХГА ОИД ҚИСМИ**  
**1.Танлов нархи:**

1	Киймати	
2	Молиялаш манбаи	
3	Тулов муддати	
4	Тулов валютаси	
5	Етказиб бериш муддати	
6	Таклиф амал килиш муддти	

**МАЛАКАВИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ**

- 1) Танловда иштирок этиш учун ариза (1-шакл).
- 2) Иштирокчи қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик, буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик судида тортишув ҳолатида эмаслиги, шунингдек аввал тузилган шартомалар бўйича керакли тарзда бажарилмаган мажбуриятлар йўқлигини тасдиқловчи кафолат хати (2-шакл).
- 3) Танлов иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумотлар (3-шакл).
- 4) Иш тажрибаси (4-шакл).
- 5) Нархга оид таклиф (5-шакл).
- 6) Техник кўрсаткичлар бўйича қиёсий жадвал (6-шакл);
- 7) Гuvoҳнома нусхаси
- 8) Балансида ёки ёлланма автотранспортлар рўйхати бўйича маълумотнома (тех. Паспорт нусхалари, балансида мавжуд бўлмаса ижара шартномаси нусхаси, ёқилғи сарфи) Агар етказиб бериш мажбурияти булса.

## ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМАЛИ БЛАНКАСИДА

№: \_\_\_\_\_

Санаси: \_\_\_\_\_

## Танлов комиссиясига

## АРИЗА

\_\_\_\_\_ (таклиф қилинаётган хизмат турини кўрсатиш) танлов ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ушбу ҳужжат билан уларнинг олинганлигини тасдиқлаган ҳолда, \_\_\_\_\_ МЧЖ(ЯТТ,ХК,ФХ), танлов ҳужжатларига мувофиқ мазкур танловда иштирок этмоқчимиз.

Шу муносабат билан ташқи конвертда, \_\_\_\_\_ варақда танлов ҳужжатларини йўлламоқдамиз.

Малакавий ҳужжатлар, шунингдек, танлов таклифида келтирилган маълумотлар ва ҳужжатлар тўлиқ ва ишончли эканлигини кафолатлаймиз.

Ўз навбатида, биз ушбу танловга тегишли маълумотларнинг танлов таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ бўлмаган шахсларга ёки ташкилотларга ошкор қилинмаслигини кафолатлаймиз.

Мулоқот учун телефон/факс: \_\_\_\_\_

Электрон почта: \_\_\_\_\_

Ф.И.О. \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ИМЗО

*Мухр ўрни*

## ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМАЛИ БЛАНКАСИДА

№: \_\_\_\_\_

Санаси: \_\_\_\_\_

Танлов комиссиясига

## КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу билан шуни тасдиқлаймизки, \_\_\_\_\_ МЧЖ:

- Қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик ҳолатида эмас.
- Олмазор ТМТЁК УК билан судда ёки ҳакамлик судида тортишув ҳолатига эмас.
- Аввал тузилган шартномалар бўйича керакли тарзда бажарилмаган мажбуриятлари йўқлигини;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона руйхати (<http://xarid.uz/unfairexecutor>) мавжуд эмаслигимизни кафолатлаймиз.

\_\_\_\_\_  
МЧЖ(ЯТТ,ХК,ФХ) раҳбари  
Ф.И.О.

имзо /муҳр

\_\_\_\_\_  
МЧЖ(ЯТТ,ХК,ФХ) бош ҳисобчиси  
Ф.И.О.

имзо

\_\_\_\_\_  
МЧЖ(ЯТТ,ХК,ФХ) юристи  
Ф.И.О.

имзо

## Танлов иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумот

1	Ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолда юридик шахснинг тўлиқ номланиши	
2	Рўйхатга олиш ҳақидаги маълумот (рўйхатга олиш санаси, рўйхатга олиш рақами, рўйхатга олувчи орган номланиши)	
3	Юридик манзили	
4	Мулоқот учун телефон, факс, e-mail	
5	Тўлиқ банк реквизитлари	
6	Асосий фаолият турлари	
7	Ходимлари сони	
8	ИНН	
9	ОКОНХ	
10	ҚҚС тўловчи ёки тўловчи эмаслиги	

## 1. ХОДИМЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ

Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:

т/р №	Эгаллаб турган лавозими	Ф.И.О.	Маълумоти (ўқув юрти, ихтисослик, диплом № ва берилган санаси)	Иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5
1				
2				

Асосий ходимлар

т/р №	Эгаллаб турган лавозими	Ф.И.О.	Маълумоти (ўқув юрти, ихтисослик, диплом № ва берилган санаси)	Иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5
1				
2				

\_\_\_\_\_ МЧЖ(ЯТТ,ХК,ФХ) раҳбари  
Ф.И.О.

имзо /муҳр

Сана: 2022 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_.

## ТАШКИЛОТЛАР БЎЙИЧА СЎНГГИ 3 ЙИЛ ДАВОМИДА ИШ ТАЖРИБАСИ

(танлов иштирокчиси номланиши)

№	Объектнинг (иш) номланиши	Буюртмачи	Бажарилган йил

**Изоҳ:** Ушбу шаклда иштирокчи асосий иш турлари (йириклаштирилган ҳолда) кўрсатиши мумкин. Шаклда кўрсатилган маълумотларни тасдиқлаш учун, шартнома нусхалари илова сўралиши мумкин.

\_\_\_\_\_ МЧЖ(ЯТТ,ХК,ФХ) раҳбари  
Ф.И.О.

имзо /муҳр

Сана: 2022 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_.

Танлов шартларида белгиланган техник топшириқлар бўйича \_\_\_\_\_ МЧЖ  
(ЯТТ,ХК,ФХ) томонидан таклиф қилинаётган ишларнинг қиёсий жадвали  
**(машина-механизм турига қараб)**

№	Бажарилиши керак бўлган ишларнинг кўрсаткичи	Иштирокчи таклиф этаётган кўрсаткич	Изоҳ
	<i>Танлов _____ (етказиб бериладиган маҳсулотнинг номланиши)</i>		
1			
2			
3			

\_\_\_\_\_ МЧЖ(ЯТТ,ХК,ФХ) раҳбари  
Ф.И.О.

имзо /муҳр

## Иштирокчилар ва танлов таклифларини малакавий баҳолаш тартиби ва мезонлари

Иштирокчиларни танловда иштирок этиш учун танлаш тартиби ва мезонлари.

Малакавий баҳолаш танлов комиссияси томонидан танлов бошланишидан аввал амалга

оширилади. Талаб қилинаётган маълумот иштирокчи томонидан тақдим қилинмаган бўлса, танлов комиссияси уни танловда иштирок этишига рухсат бермасликка ҳақли.

### 1. Бирламчи малакавий баҳолаш мезонлари.

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1	1-шакл бўйича танловда иштирок этиш учун ариза	<b>Бажарган / Бажармаган</b>	Бажармаган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
2	Иштирокчининг қайта ташкил қилиш, тугаллаш ёки банкротлик ҳолатида эмаслиги(2-шакл)	<b>Ҳа /Йўқ</b> ( <i>иштирокчининг кафолат хати асосида берилади</i> )	Ҳа, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
3	Буюртмачи билан судда ёки ҳакамлик судида тортишув босқичида бўлган иштирокчи (2-шакл)	<b>Ҳа /Йўқ</b> ( <i>иштирокчининг кафолат хати асосида берилади</i> )	Ҳа, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
4	Аввал тузилган шартомалар бўйича мажбуриятларини керакли тарзда бажарилиши	<b>Бажарган / Бажармаган</b> ( <i>иштирокчининг кафолат хати асосида ҳамда ўрганишлар натижаси бўйича</i> )	Бажармаган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
5	Танлов иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумотлар (3-шакл)	<b>Бажарган / Бажармаган</b>	Бажармаган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
6	Танлов иштирокчиси иш тажрибаси етарлилиги (4-шакл)	<b>Етарли / Етарли эмас</b>	Етарли эмас, бўлса, комиссия иштирокчини дисквалификация қилишга ҳақли.
7	Иштирокчи Ноҳалол ижрочиларнинг ягона рўйхатида қайд қилинган	<b>Қайд қилинган / Қайд қилинмаган</b> ( <i>harid.uz сайтидан аниқланади</i> )	Қайд қилинган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.

8	<p>Иштирокчи Балансида  мавжуд машина-  механизмлар рўйхати  бўйича маълумотнома (тех.  Паспорт нусхалари,  балансида мавжуд  бўлмаса ижара  шартномаси нусхаси,  ёқилғи сарфи)</p>	<p align="center"><b>Етарли / Етарли эмас</b></p>	<p>Етарли эмас, бўлса, комиссия  иштирокчини дисквалификация  қилишга ҳақли.</p>
---	---	---	--

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМАЛИ БЛАНКАСИДА

№: \_\_\_\_\_

Санаси: \_\_\_\_\_

Буюртмачи номига  
(коррупцияга йул куймасли тугрисида)

**АРИЗА**

\_\_\_\_\_ (таклиф қилинаётган хизмат турини кўрсатиш) танлов ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ушбу ҳужжат билан уларнинг олинганлигини тасдиқлаган ҳолда, \_\_\_\_\_ МЧЖ(ЯТТ,ХК,ФХ), танлов ҳужжатларига мувофиқ мазкур танловда иштирок этиш жараенида хар кандай куринишдаги коррупцион ҳолатларга йул куймаймиз.

Биз танловларнинг шаффоф утказилиши тарфдоримиз.Агар коррупция ҳолатларга йул куйилса конуний чоралар кулланилишига розимиз.

Биз ушбу танловга тегишли маълумотларнинг танлов таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ бўлмаган шахсларга ёки ташкилотларга ошкор қилинмаслигини кафолатлаймиз.

Мулоқот учун телефон/факс: \_\_\_\_\_

Электрон почта: \_\_\_\_\_

Ф.И.О. \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ имзо

*Мухр ўрни*